хабарлар

Мустақилликнинг етти йиллиги арафасида

Деновлик Рустам бобо Тўрақулов кўпдан бери йилқичилик билан шуғулланади, узоқ йиллар улоқ чопган. «Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ қорабайир зотли арғумоқлардан бирини Президентимиз Ислом Каримовга инъом қилиш ҳақида ўйлаб юрардим, — дейди отахон. — Оллоҳга беадад шукр, мустақилликнинг етти йиллиги арафасида юртбошимизга етти ёшдан ошган «Қалдирғоч» зотли отни совға қилдим».

Совғани Республика Президенти Девони масъул ходими З. Ҳайдаров қабул қилиб олди. Айни пайтда отахонга ҳам Президентимизнинг совға-саломлари топширилди. Маросимда Сурхондарё вилояти ҳокими Жўра Норалиев иштирок этди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ

Бепул дарсликлар олишади

Нишон тумани ҳокими Ҳ. Жолиев бошчилигидаги гуруҳ томонидан ижтимоий масалалар ўрганиб чиқилди. Асосий эътибор мавжуд 30 мактаб, 31та болалар боғчасини янги ўқув йилига тайёрлаш, клуб ва кутубхоналарни жиҳозлаш ҳамда биринчи навбатда амалга ошириладиган тадбирларга қаратилди. Ўқув йили арафасида ҳомийлар ёрдамида 2147 нафар кам даромадли оила фарзандларига 3 миллион 973 минг сўмлик дарсликлар олиб бериладиган бўлинди. Шунингдек, синфхоналар қўшимча компьютер ва ўқув қуроллари билан жиҳозланади.

Илҳом КАРОМОВ

Ўзбекистон автомобиллари

Рустам ШАГАЕВ (ЎзА) олган сурат

ўзгаришлар

«Самарқанд қоғози»

Дунёга машҳур «Самарқанд қоғози» XIV-XVII асрларда Ғарбу Шаркда кенг қўлланилган. Рассомлик ва пул ёзувларида ишлатилган. Асосан пахта толасидан тайёрланиб, оқ ва нафислиги билан ажралиб турган. «Мерос» ҳунармандлар ассоциацияси ва халқ ҳунармандчилик маркази бу ишга биринчилардан бўлиб қўл урди. Тадбиркорлар АҚШ мутахассиси Александра Сатеиуо Тошкент Давлат шарқшунослик институти ходими Ш. Муҳаммаджонов, Американинг «Каунтепорт», «Консорциум» ҳунармандчиликка кўмаклашиш жамғармаси билан ҳамкорликда мазкур қоғознинг илк намуналарини яратдилар.

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ

Ҳайкалтарошлар кўргазмаси

Республика Бадиий академияси санъатшунослик илмий тадқиқот институтида ҳайкалтарошлик санъатига бағишланган кўргазма очилди. Бу ерга асосан мустақилликнинг етти йили давомида яратилган турли мавзў ва жанрларга оид 100дан зиёд асарлар қўйилди. Улар орасида М. Мусабоевнинг халқ қаҳрамони «Спитамен», В. Малаховнинг «Беҳзод», С. Шариповнинг «Амир Темур» асарлари кўпчиликда яхши таассурот қолдирмоқда. Шунингдек, кўргазмада аёлларнинг турли тақинчоқлари, нишон турлари ҳам намойиш этилмоқда.

Маҳмуд АҲМЕДОВ

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 16 июль, пайшанба • № 84 (22.321).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Самимий ҳамдардлик

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Ўзбекистон Республикаси бошига тушган кулфат — Фарғона водийсида табиий офат натижасида одамларнинг фожиали ҳалок бўлиши муносабати билан Украина халқи ва шахсан ўз номимдан Сизга ва Сиз орқали дўст Ўзбекистон халқига самимий ҳамдардлик билдиришга ижозат бергайсиз.

Оғир жудолик дардини Сиз билан бирга тортмоқдамиз.

Чуқур эҳтиром ила,

Леонид КУЧМА,
Украина Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Одамларнинг ҳалок бўлишига олиб келган табиий офат муносабати билан самимий ҳамдардлигимизни қабул қилгайсиз. Ҳалок бўлганларнинг қариндош-уруғ ва яқинларига чуқур ҳамдардлик ва таъзиямизни етказишингизни сўрайман.

Сапармурот НИЁЗОВ,
Туркманистон Президенти

Офат ва жасорат

«Шалола» ўқувчилар лагерида 38 нафар ёш вужуд тунги уйқу оғушида эди. Олтиариқ туманидаги 35-ўрта мактаб жисмоний тарбия ўқитувчиси, спорт устаси Бахтиёр Узоқов беш нафар шогирди билан шу оромгоҳда дам олаётган қизини кўргани келган, сой қирғоғидаги вагон уйчада ҳордиқ чиқарарди. Аллақандай ғаройиб шовқин-сурондан ташқарига отилган ва олисдаги тўфонни илғаган Бахтиёржон шу ондаёқ вагонга қайтиб кирди ва шогирд йигитларини тезда уйғотиб, улар билан ўқувчилар ётоқхонасига югуришди. Олтовлон жуда қисқа муддат ичида ҳали уйғонмаган болаларни бир-бирига қўлма-қўл узатиб, юқорига, хавфсиз жойга чиқаришди. Охирги болаларни олиб чиқишаётган пайтда сел келиб қолган, йигитларнинг оёқлари, белларига темир, тошлар келиб урилмоқда эди. Шунга қарамай, ҳаётларини хавф остига қўйиб бўлса-да, ётоқдаги сўнгги болани ҳам тепаликка чиқариб улгуришди. Шу ондаёқ катта сел оқими келиб урилган ётоқхона картон қутисидай пастланиб кетди.

Ёзёвон туманидаги А. Навоий номли жамоа хўжалиги бригада бошлиғи Аъзамжон Назаров ҳам хизматдошлари билан шу ерда дам олаётган эди. Ярим тунда туйқус уйғонган Аъзамжон қутуриб келаётган селни сезиб иккита гўдакни юқорига олиб чиққач, учинчи бола учун тушди. Афсуски, бу пайтда мард йигитни сел ўз домига олиб кетди.

Гап Шоҳимардондаги кутилмаган даҳшатли сел ҳақида кетаётганлигини дарҳол фаҳмлагандирсиз. Ҳа, шундай фожиа рўй берди. Энди унинг оқибатларини тугатиш, бундай фалокатнинг такрорланмаслиги чора-тадбирларини кўриш керак эди.

Табиий офат содир бўлган жойга ташриф буюрган Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов дастлабки даҳшатларданоқ одамларнинг аҳволи, жабрдийдалар хусусида сўраб-суриштирди. Марҳумларни сўнгги йўлга кузатиш маросимлари ижроси, уларнинг оилаларига ёрдам бериш ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчи эканлигини таъкидлади. Ҳалок бўлганлар оилаларига чуқур таъзия билдирди.

Президентимиз ташрифидан сўнг Шоҳимардон қишлоғида кенг қурилиш ишлари авжига чиқди. У ерда меҳнат қилаётган беш минг одамнинг шижоати таҳсинга сазовор. «Фарғонаавтойўл» давлат ҳиссадорлик бирлашмаси йўлсозлари ҳозиргача 18 минг кубометрга яқин тупроқ ишларини бажаришди. Бу эса бажариш лозим бўлган ишларнинг деярли учдан бир қисмидир. Йўлсозлар тўрт кунга режалаштирилган айланма йўл барпо этиш лойиҳасини биринчи кундаёқ қойилмақом қилиб уддалашди. Шоҳимардондаги беш ярим минг аҳоли соғлигини ҳам жонкуяр шифокорлар туну кун ўз ҳимояларига олиб турибдилар. Бу ерда вилоятнинг барча туман ва шаҳарлари, Андижон, Тошкентдан келган ҳашарчилар ҳаракат қилмоқда. Қўшни вилоятлар, республиканинг барча бурчакларидан табиий офатдан зарар кўрган аҳоли учун озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотлар етказиб берилмоқда. Ёрдам кўрсатилмоқда.

Шоҳимардон тез орада аввалгидек кўркам, минглаб дам олувчиларни ўз бағрига қабул қиладиган масканга айланишига шубҳа йўқ.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози»нинг махсус мухбири

XXI аср ўзбек ёшлари



Владимир ПАНОВ олган сурат

Миллат ва маънавият

Тарих — мунаввар кўзгу

Дунё мудом ўзгаришлар, янгиланиш ва эврилишлар қозонида қайнаб туради. Вақт ўтиши билан ҳамма нарса ўзгаради. Бироқ ўзгаришлар ичида тарихий ҳақиқат мангу собит қолаверади. Ўзгаришлар ичра ўзгармаслик тарихнинг енгилмас кучи, энг эъзозли фазилатидир. Шу боис халқ энг қувончли ва энг оғир кунларда ўз тарихий хотирасига суянади, ундан мадад олади.

1993 йилнинг баҳорида Президентимиз миллий истиқлол мафкурасини яратишда халқимизнинг бой ўтмиш мероси, тарихий тажрибаси ва хотираси асосий пойдевор бўлиши лозимлигини таъкидлаган эдилар. Ўтган йиллар мобайнида буюк аждодларимиз номини ва меросини қайта тиклаш, улуғвор шаҳарларимиз юбилейларини халқаро миқёсда тантана қилиш ва ушбу тадбирлар орқали юртимиз ва халқимизни бутун дунёга танитиш борасида чинакам ватанпарварликка тенг кўплаб савоб ишлар ўз ижобатини топдики — бу ўзбекка ўзлигини танитди, қалбимизда зўр ғурур ва шижоат уйғотди.

Аммо тарихни фан сифатида ўрганиш, ўтмишнинг олис даврларини тадқиқ қилиш истиқлол имкониятларидан ортда эканлиги ҳам бор гап. Давлатимиз раҳбари бир гуруҳ олимлар, адиблар, жамоатчилик вакиллари ва журналистлар билан ўтказган мулоқотлари чоғида айни шу муаммо-масалаларга эътибор қаратдилар.

Тарихни халқ ва буюк шахслар яратади. Уни қўлёзма ва китоблар саҳифаларига муаррихлар, яъни тарихчи олимлар муҳрлайдилар. Тарих мафкура ва сиёсатнинг асоси сифатида майдонга чиқар экан, ундан ҳамма ўз манфаати йўлида фойдаланишга ҳаракат қилади. «Қизил» империя даврида халқни тарихий хотирасизликка маҳкум этишдек қаттол сиёсат юргизилди. 1917 йилгача бўлган барча нарсалар жамият ва халққа ёт нарсалар сифатида маҳв этишга маҳкум қилинди. Қарам халқлар, жумладан ўзбек халқи тарихи аёвсиз равишда йўқ қилинди ва сохталаштирилди. Ўзбек халқи ва ватанимиз тарихи ўзгалар томонидан буткул қайта ёзилди. Ҳақиқий тарихимиз шовинизмнинг буюк давлатчилик жаҳолати қурбони бўлди. Президентимиз тарихимизни илмий жиҳатдан ўрганишда ўзга миллат тарихчилари нуқтаи-назарига, фикрларига таяниб иш кўриш ва китоб ёзиш амалиётидан воз кечиш вақти келганлигини, тарихимизни ўзимизнинг қадимий қўлёзмалар ва асл манбалар орқали муфассал ва холис ёзилиши кераклигини алоҳида уқтириб ўтдилар.

Ҳақиқатан ҳам халқимиз тарихига оид асарларнинг кўпчилиги европоцентризм ақидасига таянилиб ёзилганки, бундай китоблар моҳияти тарихни ҳаққоний акс эттиришга эмас, аксинча уни камситиш, фактларни бузиб кўрсатиш ёки нотўғри талқин қилишга қаратилган. Айрим европалик ва рус тарихчиларининг ўтмишимизга беписандлиги баъзан шу даражага бориб етганки — тарихий шахслар ва шаҳарларимиз номини ёки воқеаларини ўзлари истаганча, билганча таъриф-талқин қилиб кетаверишган. Улар шундай йўл тутиб, муносабатда бўлишганки — гўё гап узоқ ва бой маданий меросга эга халқ ҳақида эмас, куни кеча ибтидоийликдан чиққан қабила ҳақида кетаётгандек. Шу ўринда бир мисол: Ғайбуллоҳ ас-Салом ва Неъматуллоҳ Отажоннинг «Бобурнома»нинг чет тилларга таржималари тадқиқига бағишланган «Жаҳонгашта Бобурнома» асарида айрим таржимонларнинг беписанд ва беэътибор муносабати туфайли Ғарб дунёси узоқ йиллардан буён буюк бобомиз Алишер Навоийни тақлидчи шоир сифатида билиб келганлиги ҳақида сўз юритилиб, улуғ аждодларимизга нисбатан адолатсизликларга чуқур илмий ёндашув билан чек қўйилади. Бобур ҳазратлари Алишер Навоий «иншо тартиб беришликда тақлид» қилди, деб ёзган холос. Олимларимиз «иншо» ва «тақлид» сўзларининг бир неча маъносини чуқур изоҳлаб беришдики, бундан Алишер Навоий ижодда ҳеч қачон ҳеч кимга тақлид қилмаганлиги яққол намоён бўлади. Ҳурматли олимларимизнинг бундай ватанпарварлик шижоатлари илму урфонимизнинг бошқа вакилларига ҳам юқса, ибрат бўлса бундан фақат халқимиз ва миллатимиз ютарди холос. Чунки, тарихимизни адолатли муносабатга муҳтож давр ва саҳифалари ҳали жуда кўп.

Давлатимиз раҳбари секин-аста бўлса-да, рус олимлари ҳам тарихий ҳақиқатларни тан олаётганлигига, хусусан соҳибқирон Амир Темурнинг мўғул-татарларга умуман алоқаси йўқлигини энди-энди эътироф этишаётганлигини айтиб ўтдилар. Сир эмаски, собиқ иттифоқ даврида рус халқи тарихига жуда кўплаб ижобий фазилатлар қўшиб ёзилган, ўзбек халқи тарихига эса аксинча — жамики салбий иш бор барчаси бизга сахийларча «ҳадя» қилинган. Биргина мисол: Русь давлатини мўғуллар истибдодидан озод қилишда Амир Темур ҳазратларининг хизмати беқиёс. Аммо рус тарихчилари бу фактдан кўз юмиб, Дмитрий Донскойни асосий халоскор даражасига чиқариб қўйишган эди. Бундай тарихий ёлғон ва ниҳоят ўтган йили рус олимлари томонидан тан олинди. «Аргументы и факты» газетасида эълон қилинган «Тарихий афсоналарга ишонишни бас қилиш вақти келди» сарлавҳали мақолада жумладан шундай дейилади: «Номи тўғридан-тўғри Русни мўғул-татарлар истибдодидан озод қилиниши билан боғланадиган Куликово жангида рус аскарлари етакчиси ва қаҳрамони Дмитрий Донской шахси атрофида янада кўпроқ афсона яратилган. Аслида рус ерларини озод қилиш Дмитрий Донскойнинг хаёлига ҳам келмаган (!) Халоскорликни унинг номига кейинчалик «қўшиб ёзишган». Дмитрий Донской Мамайни «янчиб» ташлашга отланди, дейилади. Хўш Мамай ўзи ким бўлган? У Ўрдада (Олтин Ўрда назарда ту-

(Давоми 4-бетда)

Бу дунёнинг ишлари

Япон валютасининг қиймати пасаймоқда

Ўтган ҳафтада Япония иенаси ва Осиё давлатлари валюталари қийматининг Америка долларига нисбатан пасайиши давом этди. Айни пайтда Осиё валюта бозорларида Японияда парламент сайловлари муносабати билан ноаниқлик вазияти юз бермоқда. Кўпгина маҳаллий компаниялар эса ўз маблағларини Европа акцияларига жойлаштириб, уни Америка доллари даражасида асраб туришибди. Малайзия Бош вазири доктор Махатхир минтақавий валюталарни «даволаш» йўллари ҳақида гапириб, ушбу муаммони маҳаллий давлатларнинг ҳукуматлари ҳал эта олмайдилар, деди. У долларга асосланган ҳисоб-китоблар ва халқаро савдонинг мустаҳкамлигини таъкидлаб ўтди. Биз ташқи савдода Америка валютасидан фойдаланишга мажбурмиз, бироқ, ушбу валюта бизда йўқ, деди сўзини давом эттириб Бош вазир.

Индонезиянинг сиёсий ўйини

Индонезия Президенти Юсуф Ҳабибий Шарқий Тимор жангариларнинг раҳбари Ханкан Гусмаони йигирма йиллик қамоқ жазосидан озод этиш эвазига жаҳон жамоатчилигини Шарқий Тимор ҳудудини Индонезиянинг бир қисми сифатида тан олдирмоқчи. Президент қамоқ жазосини ўтаётган Шарқий Тиморнинг барча фуқаролари ушбу амнистиядан фойдаланишлари мумкин, деб қўшиб қўйди. Бундан ташқари Шарқий Тимор ҳудуди Индонезиянинг бошқа вилоятларига кўра кўпроқ муҳторият олади ва махсус статусга эга бўлади. Бироқ дунё Шарқий Тиморни Индонезиянинг ажралмас қисми сифатида тан олиши керак, деб таъкидлади Ҳабибий. Аслида Португалия ҳукумати ўз мустамлакаси бўлмиш Шарқий Тиморни 1975 йилда тарк этган эди. Ўшанда Индонезия қўшинлари ушбу ҳудудга бостириб киришганди, ярим йилдан сўнг эса Индонезия бу ҳудудни ўзининг 27-вилояти деб эълон қилди. БМТ ва дунёдаги кўпгина мамлакатлар ушбу ҳаракатни ноқонуний деб ҳисоблашди.

Мерапи ҳаракатга келди

Индонезиянинг ҳаракатдаги вулқонларидан бири — Мерапи яна отила бошлади. Вулконология институтидан хабар беришларича, иккита кудратли оловли лава отилиб чиқиб, тоғнинг ғарбий қисми бўйлаб ҳаракатга келди ва етти километр масофага ёйилди. Икки марта газ портлади. Унинг шовқини вулқондан 30 километр узоқдан ҳам эшитилди. Бир неча километрлик ер майдони ярим метрли кул қатлами билан қопланди. Ҳозирча қурбонлар ҳақида хабар йўқ. Мерапи 1994 йилда отилиб чиққанда эса 60 киши қурбон бўлганди. 1930 йилда эса 1300 кишининг ёстиғи қуриганди.

Парламент сайловлари яқин

Шимолий Корея раҳбари Ким Чен Ир ўз номзодини парламент сайловларида қўйиши ҳақида расмий равишда эълон қилди. Ушбу сайловлар кейинги саккиз йил ичида биринчи марта 26 июлда ўтказилади. Бу ҳақда КХДР расмий оммавий ахборот воситалари хабар қилишди. Ушбу ҳаракат Ким Чен Ирни 9 сентябрь — Шимолий Кореянинг 50 йиллиги нишонланаётган кунда давлат раҳбари, деб эълон қилишга қаратилган. Ҳозирги раҳбарнинг отаси Ким Ир Сен 1994 йилда вафот этгандан сўнг мамлакатдаги ушбу энг юксак лавозим бўш турган эди.

Батлер танқид қилинди

Ирокда чиқадиган «Ал-Кадисия» газетаси Ироқдаги оммавий қирғин қуролларини йўқ қилиш бўйича БМТ махсус комиссияси бошлиғи Ричард Батлерни қаттиқ танқид остига олди. Батлернинг АҚШдаги тадқиқот лабораторияларида ўтказилган текширувлар натижаси ҳақидаги гаплари газетанинг ғазабини қўзғатганди. Батлернинг айтишига кўра, Ироқ 1991 йилдаги урушгача ўз ракеталарининг каллакларига «ВИЭКС» газини ўрнатган эмиш. Газетанинг фикрича, Батлер АҚШнинг маслаҳатисиз ҳеч қандай иш қилмаяпти. Балки, Америка маъмуриятининг буйруқларига бўйсуняпти. Бағдод эса ҳарбий мақсадлар учун қирғин газларига эга эмаслигини таъкидлаб, Америка лабораторияларидаги текширувларга шубҳа билан қарамоқда. Газетанинг ёзишича, Батлер ва унинг комиссияси Америка маъмурияти қўлида қурол сифатида ҳаракат қилиб, Ироқни қамалда ушлаб туришни мўлжаллашмоқда.

Баракасини берсин

Самарқанд. Вилоят туманлари ғалла етиштириш режаларини кетма-кет уддалаяпти. Пайариқ тумани ғаллакорлари ҳам давлатга 95 минг 66 тонна дон топшириб, режани ортиғи билан бажаришди. Бу ютуққа «Соҳибкор», «Янгиобод», «Ҳалқобод», «Туркистон», Б. Ҳасанов, О. Умаров номли хўжаликлар муносиб улуш қўшдилар. Пайариқликлар яна 2000 тонна ғалла топширишмоқчи.

Лутфулла РУСТАМОВ

Нукус. Қорақалпоғистонда салкам 40 та хўжалик давлатга дон топшириш режасини адо этди. Элликқалъа тумани далаларида 3488 тонна дон етиштирилган бўлса, тўрткўлликлар давлатга 3221 тонна бугдой топширишди. Ўрим-йиғим ишлари қизғин давом этмоқда.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ

1991 — 1998 МУСТАҚИЛЛИК

ЎЗБЕКИСТОН — БУЮК

Ислом КАРИМОВ:

Истиқлол кўҳна Бухоро ҳаётига янги бир нафас олиб келди. Бухоро вилояти ва шаҳрида бугунги кунда замонавий саноат, қишлоқ хўжалиги, илм-фан, маданият ва санъат янги юксалиш йўлига кирди.

Бухоро юртининг қиёфаси йилдан йилга ўзгармоқда, янги шукуҳ топмоқда.



Деҳқон елкасига дунё таянар

Ғайбулла ДИЛОВ,
вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари

Бухоро шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали маросимда юртбошимиз «Бухоро деҳқонлари ва миришкорлари ўз саховатли меҳнати билан Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқдалар», деб бежизга айтмади. Сабаби мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритгандан сўнг ўтган қисқа давр ичида вилоятимизда бевосита юртбошимиз ташаббуси билан бошланган иқтисодий ислоҳотлар дадил одимламоқда. Мулк эгасини топди, деҳқон ернинг ҳақиқий хўжайини бўлди. Меҳнатга муносабат ўзгарди. Халқимиз ўз бурчи, ҳақ-ҳуқуқини англай бошлади.Шундан бўлса керак, ҳаётимизнинг ҳар бир дақиқасида, кундалик фаолиятимизда янгича фикрлаб, янгича яшашни деҳқонларимиз эътиқод даражасига кўтардилар.

Халқимизда «Деҳқон елкасига дунё таянар», деган нақл бор. Бунинг маъноси катта, албатта. Вилоятимиз аграр минтақа бўлгани учун аҳолининг катта қисми деҳқончилик юмушлари билан банд. Аввало деҳқон бой бўлмаса мамлакат обод бўлмайди ҳам. Шу нуқтаи назардан қарасак, ўтган етти йилда қишлоқда ислоҳотлар қандай самара берди, деҳқон ундан қандай манфаат кўрди, деган савол туғилиши табиий. Ислоҳотлар самарасини юқорида айтдик. Манфаатга келсак — ҳар ким экканини ўради-да.

Президентимиз халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгаши сессиясида сўзлаган нутқида: «Фикрлаб яшаб, фикрлаб меҳнат қилишни ўрганмоғимиз лозим», деб таъкидлади. Бугун вилоятда худди шунга амал қилаётганимиз учун ҳам имкониятлар юзага чиқяпти. Гарчи истиқлол йилларида 808,9 минг тонна дон, шу жумладан 740,8 минг тонна бошоқли дон, 2625 минг тонна пахта, 1196,7 минг тонна сабзавот, 243,3 минг тонна полиз, 236,1 минг тонна мева, 303,9 минг тонна узум, 446,7 минг тонна гўшт (тирик вазнда), 1803,7 минг тонна сут, 484,1 минг дона тухум етиштирган бўлсакда, бундан қониқиш ҳосил қилолмаймиз, Чунки, вилоят иқтисодиётида муҳим ўрин эгаллайдиган пахта ва баъзи маҳсулотларни ишлаб чиқариш режаларини уддалай олмаяпмиз, чорвачиликдаги аҳволни ўнглаш қийин кечяпти.

Жорий йилда вилоятда 403 минг тонна пахта, 198 минг тонна дон етиштиришимиз керак. Бунга эришишнинг барча чораларини кўряпмиз. Давлатга бошоқли дон сотиш режаси уддаланиб, ҳозир қўшимча мажбурият ҳисобига ғалла сотилмоқда. Хусусан, кейинги бир ярим йилда пахтачилик, дончилик равнақига хизмат қилувчи омилларга эътиборни қаратдик. Деҳқончилик қилинадиган 274,5 минг гектар ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун хўжаликлараро ва ички заҳкашларнинг катта қисми тозаланди. Шунингдек, ички суғориш тармоқлари таъмирланди. Кучли шўрланган ерларда шўр ювиш ишлари такрор ўтказилди.

Вилоят ҳокимлиги чорвачиликни ривожлантириш тадбирларини ишлаб чиқди. Айниқса, наслчиликни яхшилаш йўли билан маҳсулдор сигирлар подасини тўлдириш, қоракўлчилик шуҳратини тиклашда анча ишлар амалга ошириляпти. Жумладан, Шофиркон ва Ромитан туманларида ғунажин ўстириб берувчи ихтисослашган хўжаликлар ташкил этилиб, фаолият кўрсатяпти.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, Бухоро яқин йиллар ичида қишлоқ хўжалигида республикада ўз ўрнини топади. Чунки, бугун ушбу соҳада ёш, ўз ишига жонкуярлик билан ёндошувчи малакали кадрлар ишламоқда.

Рақамларда акс этар ҳаёт

■ **Мустақиллик йилларида Бухоро вилоятида саноат корхоналари сони 80 тадан 117 тага етди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми эса 8,1 миллион сўмликдан 26194,9 миллион сўмликка кўпайди.**

■ **Нодавлат корхоналари сони 7 тадан 88 тага етди. Ҳозир уларда 22189,6 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариляпти.**

■ **Вилоятда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш йил сайин кўпайиб боряпти. Биргина ўтган йили ана шундай маҳсулотдан 15477 миллион сўмлик ишлаб чиқарилди.**

■ **Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 1991 йилда 3,3 миллион сўм бўлган бўлса, бу миқдор 1997 йилга келиб 7526,9 миллион сўмликка етди.**

■ **Ўтган етти йилда вилоятда (капитал маблағнинг барча манбалари ҳисобидан) 3078,4 минг квадрат метр уй-жой қурилди. Шу жумладан якка тартибда 2731,4 минг квадрат метр уй-жой қурилди.**

■ **51261 ўқувчига мўлжалланган мактаб, 11415 ўринли боғча, 725 ўринли шифохона, 2545 кишига хизмат кўрсатувчи амбулатория, поликлиникалар ҳам истиқлол туфайли қад ростлади.**

■ **Бугун вилоятда газлаштириш 82,8 фоизни ташкил этяпти. Мустақилликнинг дастлабки йилида 280,6 километр газ қувурлари тортилган бўлса, ҳозир бу миқдор 3267,4 километрни ташкил этяпти. Биргина 1997 йилда 233140 хонадонга «зангори олов» кириб борди. Аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш даражаси ошди. «Дамхўжа — Бухоро» сув йўли фойдаланишга топширилиши туфайли вилоят аҳолисининг 65,3 фоизи тоза ичимлик сув билан таъминланган.**

■ **Вилоятда 11 та туман, 2 та шаҳар, 167 та жамоа хўжалиги мавжуд. Аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида ўтган олти йилда 123377 ишчи ўрни яратилди. Бу миқдор қишлоқ жойларида 52812 тани ташкил этади.**

■ **Ўтган йили вилоятда савдо айланмаси 21674,9 миллион сўмни ташкил этди. 1991 йилда эса бу миқдор атиги 1,6 миллион сўм эди. Давлатга қарашли бўлмаган корхоналар салмоғи бугун 96 фоизни ташкил этади.**

■ **1991 йилда вилоятда аҳолига 0,2 миллион сўмлик пулли хизмат кўрсатилган. Эндиликда бу кўрсаткич 3297,5 миллион сўмга кўпайди. Бунда нодавлат корхоналар улуши 61,1 фоизни ташкил этади.**

■ **Ҳозир вилоятда чет эл инвестицияли корхоналардан 42 таси фаолият кўрсатяпти. Уларда бултур 448 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган ва хизмат кўрсатилган.**

■ **Вилоят ташқи савдо айланмаси 406,3 миллион АҚШ долларини ташкил этаяпти. Жами ташқи савдо айланмасидан бултур 179,1 миллион АҚШ долларлик экспорт, 227,2 миллион долларлик импорт амаллари бажарилган.**

■ **Вилоятда 1 та университет, 2 та институт, ўнлаб лицей, коллеж, умумтаълим мактаблари, гимназиялар фаолият кўрсатяпти.**

«Жонтекс» маҳсулоти— жаҳон бозорида

Республикамизда тадбиркорликка кенг йўл очилганлиги туфайли ҳам Бухорода қўшма корхоналар сони кун сайин кўпаймоқда. Бундан икки йил муқаддам Жондор туманида иқтисодиётни ривожлантиришга, халқ истеъмоли молларини кўпайтиришга хизмат қиладиган қўшма корхона ташкил этиш ташаббуси ҳам тадбиркорлар томонидан бошланганди. Ҳокимлик уларни қўллаб-қувватлади. Тошкент шаҳридаги «Юнитекс» Ўзбекистон — Германия қўшма корхонаси билан бу борада шартнома тузилди. Корхонани қурилиши битмай қолган ресторан биносида очишга келишилди. Фақат таъмирланса бас!

Жой ҳам тайёр бўлди. «Юнитекс» «Жонтекс»га қиймати 1 миллин 900 минг АҚШ долларига тенг дастгоҳдан 8 тасини берди. Уни бошқариш учун ёшлардан 32 киши жалб этилди. Мана, ишлар юришиб кетди. Хориж технологияси асосида иплар бежирим матога айланаяпти. Рангли мебеллар қоплamасининг бозори эса чаққон. Бултур худди шундай матодан 400 минг погонометр ишлаб чиқарилди. Россия ўлкасининг турли бурчагидан, Украина, Белорусдаги мебель ишлаб чиқарувчи корхоналар уларнинг доимий харидорига айланди. Шу билан бирга «Жонтекс»чилар бултур пахтакорларга 19 минг дона этак ҳам тикиб бердилар.

Жорий йилда иш икки сменада ташкил этилди. Сабаби — маҳсулотга талаб катта. Шу боис ҳар ойда 100 минг погонометр мебель жиҳозларини қоплашда ишлатиладиган мато тўқиляпти. Бундан ташқари тикувчилик цехида ҳам иш тўхтаб қолгани йўқ. Ҳа, остонангдан харидор қуруқ кетмаслиги учун ҳар сония бекор ўтмаслиги керакда!

Суратда: корхона ишчиси Гавҳар Сулаймонова

Тошпўлат АҲМАД

Шарқ тумори

Сенку менсиз яшайверасан,
Менга сенсиз яшамоқ душвор.
Жонимнинг жон риштасидирсан,
Эй, Бухоро — жонга жон диёр.
Иқлимлар кўп очунда, аммо,
Сен айрича қадим маъвосан.
Бани башар боқар маҳлиё,
Шарқ тумори — сирли дунёсан.
Гар санасам орифларингни,
Лозим эрур қирқ кеча-кундуз.
Шарифлару зарифларингнинг,
Таърифига етмагайдир сўз.
Абдулхолиқ Ғиждувонийни,
Темур бобом Пир билгани рост.
Баҳоуддин Нақшбандийни,
Олам аҳли Нур билгани рост.
Ал-Бухорий «Ҳадис»ларидан,
Расулиллоҳ боқсалар, не тонг.
Ибни Сино «Аш-Шифо»сидан,
Дардга малҳам боссалар не тонг?!
То ҳанузким Маҳмуд Торобий,
Жасорати достон тилларда.
«Бирлашинг!» дер Турди Фароғий,
Хитоб айлаб туркий элларга.
Қонхўр жаллод нишонга олиб,
Ўқ узаркан қисганча кўзин.
Буюк Фитрат кафтини тилиб,
Ёзган экан «Озодлик» сўзин...
Инқилобман, деган ҳийланинг,
Келди сирин ошкор этарга.
«Юртим!» деган мард Файзулланинг,
Нидосидан чўккан «Бутирка...»*
Айтаверсам оқиб келади,
Рангин-рангин ҳаяжон, ҳислар.
Тонг нуридай балқиб келади,
Ифор-ифор дурахшон сўзлар.
Шундай улуғ юртсанки, шаҳрим,
Меҳробдирсан аҳли муслимга.
Истиқлолга таъзим, эй наҳрим,
Қайтганинг-чун қадим аслингга.

* Машъум қамоқхона

Аёл соғлиги— Ватан бойлиги

Ҳуррият туфайли республика ҳукумати энг аввало аёллар соғлигини муҳофаза қилишга қаратилган қатор тадбирларни кўрди. Ана шулардан бири аёлларни соғломлаштиришдир. Бундан икки йил илгари Вобкентда жумҳуриятда ягона — кўркам, замонавий услубда қурилиб, асбоб-ускуналар билан таъминланган вилоят аёлларни соғломлаштириш биноси қурилди. Унинг очилишида республика Президенти Ислом Каримов қатнашганлиги масаланинг нечоғлик аҳамият касб этишидан далолат беради.

Марказимиз 120 ўринли бўлиб, унинг асосий вазифаси аёлларнинг туғиши мумкин-мумкин эмаслигини аниқлаш, уларга керакли ёрдам ва маслаҳатлар бериш, 28 ҳафтагача ҳомиласи бор аёлларни даволаш, қизларни оналикка тайёрлаш, туғиш ёшидаги аёлларни соғломлаштиришдан иборатдир. Бунда 11 нафар юқори малакали ҳаким, 52 ҳамшира хизмат қилади.

Бултур вилоятнинг туман ва шаҳарларидан келган 2681 хотин-қизлар ўз саломатлигини тиклаб қайтди. Шу йилнинг беш ойи мобайнида эса 1016 аёл даволанди. Биз «Соғлом авлод» дастурига асосан биргина марказ фаолияти билан ўралашиб қолмай, балки вилоят туманларида бўлиб, тарғибот-ташвиқот ишларини ҳам олиб боряпмиз. Бу эса яхши самара беряпти. Вилоятда аёллар ўртасида учрайдиган касалликлар кун сайин камайиб бормоқда.

Аълам ИКРОМОВ,
аёлларни соғломлаштириш вилоят марказининг бош ҳакими.

Дўстларга очилган эшик

Шарқ дурдонаси деб ном олган қадимий шаҳримизга бултур 80, 2 минг нафар сайёҳ қабул қилинди. Уларнинг 28,2 минг нафари хорижлик меҳмонлардир. Меҳмонларга 264,8 миллион сўмлик хизмат кўрсатдик. Бу мустақилликдан сўнг Бухорога қизиқиш ошганлигидан далолатдир. Биргина 1996 йилда зиёратчилар сони 67,6 минг кишини ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич бир йилда 16,7 фоизга ўсди.

«Бухоро» меҳмонхонаси мажмуи, «Варахша» меҳмонхонасида сайёҳларга намунали хизмат кўрсата оладиган 1132 ўрин мавжуд. Вазирлар Маҳкамаси лицензиясига асосан фаолият кўрсатаётган 11 та хусусий фирма, 4 та хусусий меҳмонхона ўтган даврда 2251 хорижий ва МДҲ давлатларидан келган меҳмонларга хизмат кўрсатганлиги ҳам бугунги кунда туризмнинг нақадар имкониятлари кўплигидан далолатдир.

Сайёҳлар оқимини кўпайтириш мақсадида қўшимча хизмат турлари ва янги сайёҳлик йўналишлари ташкил этяпмиз. «Буюк ипак йўли» йўналиши шулардан биридир. Қирғизистондан бошланиб, Ўзбекистон, Тожикистон орқали ўтиб, Туркманистонда тугайдиган бу йўналиш сайёҳларда жуда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Янгидан яратилган хизмат турларига XVI аср либосларини намойиш этиш, театрлаштирилган томошалар, Говкушон мадрасасида фольклор концерти, вилоятимиздаги саноат маҳсулотларидан тайёрланган моделар кўриги, Ғиждувондаги машҳур кулол Нарзуллаевлар оиласи билан танишиш, «Жайрон» қўриқхонасига бориш, IV-VI асрлар кўҳна шаҳарлари — Варахша, Пайкенд, Ибн Сино ватани Афшона билан танишиш каби тадбирлар киради.



Арки Олий меҳмонларни доим чорлайди.

Истиқлолга эришганимиздан сўнг Туркия, Индонезия ва Малайзия каби мусулмон мамлакатларининг Бухорога қизиқиши ошди. Бу мамлакатлар сайёҳларининг истаклари асосида мустақил юртимиздаги 7 пир қадамжоларини ўз ичига олувчи зиёратчилар йўналиши дастурини ишлаб чиқдик. Бултур Индонезия ва Малайзиядан дастлабки зиёратчилар келдилар. Бу мамлакатлар зиёратчилари ҳар йили июнь-июль ойларида ўн кун давомида Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳида анжуман ўтказадилар.

Мансур ЗОКИРОВ,
«Ўзбектуризм» миллий компанияси Бухоро бўлинмаси бошқаруви раиси

ИМКОНИЯТЛАР МАМЛАКАТИ

1991 — 1998 МУСТАҚИЛЛИК

Қонхўр жаллод нишонга олиб,
Ўқ узаркан қисганча кўзин.
Буюк Фитрат кафтини тилиб,
Ёзган экан «Озодлик» сўзин...

Олам эътироф этган шаҳар

Карим КАМОЛОВ,
Бухоро шаҳар ҳокими, республика Олий Мажлисининг депутати

Дунё цивилизацияси, Шарқ маданият бешикларидан бири саналган Бухоро доимо олам ҳавас қилган азиз ва мўътабар, муқаддас ва мукаррам гўшадир. Унинг номи билан буюк аждодларимиз Имом Исмоил ал-Бухорий, Абдуҳолиқ Ғиждувоний Мир Кулол, Баҳоуддин Нақшбанд, Наршахий, Абу Али ибн Сино, Наср Фаробий, Абдурауф Фитрат, Файзулла Хўжаев каби юксак фазилатли кишиларнинг тақдирлари, ҳаёт йўллари боғланган.

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, халқимиз умуминсоний маънавиятига ва умумбашарий ривожига катта ҳисса қўшган буюк аждодларимиз номларини шаҳар кўркига салобат бахш этиб турган масжиду мақбараларни, мадрасаларни, Шарқ фалсафасининг ўчмас қадриятларини ўзида акс эттириб турган буюк аждодлар мероси абадул-абад сақланажак.

Кўҳна ва ҳамиша навқирон шаҳримиз ўзининг 2500 йиллик тўйи муносабати билан янада ёшариб, кўркамлашди, обод бўлди. 16 та тарихий обида — Масжиди Калон, Мир Араб мадрасаси, Саррафон ҳаммоми, Пойи остона масжиди, Чор Минор, Исмоил Самоний мақбараси, кўҳна Арки Олий мажмуи, Лаби Ҳовуз ансамбли, Зиндон кабиларга қайта умр бағишланди. Бу ишларга 545,2 миллион сўм сарфланди. Ф.Хўжаев майдони, А.Фитрат хиёбони ва уй-музейлари қурилди. Бухоронинг янги аэропорти ишга тушди. Кўчалар равон, тунлари чароғон этилди. Шу боис бутун шаҳримизга келаётган сайёҳ ва меҳмонлар унинг таниб бўлмас даражада ўзгарганини эътироф этмоқдалар.

Юртбошимиз ҳар гал Бухорога келганларида шаҳар ҳаёти билан танишадилар, галдаги вазифаларимизни белгилаб берадилар. Тан олиб айтишим керакки, бу биз учун катта эътибор намунаси, жонкуярлик тимсолидир. Шу боис ҳам шаҳримиз биргина мустақиллик йилларида ривожланишга юз тутди. Халқ хўжалигининг барча соҳаларида ислоҳотлар чуқурлашиб боряпти. АҚШ, Жанубий Корея, Хитой, Туркия, Эрон, Греция, Германия, Ҳиндистон, Исроил, Болгария, Испания ва МДҲ давлатлари билан тузилган 37 та қўшма корхоналар фаолияти йўлга қўйилган. Ҳозирги кунга келиб, бу корхоналарда телевизор, телефон аппаратлари, дори-дармонлар, мармар ва мозаика плиткалари, қоракўл терисидан тикилган ҳар хил кийим-бошлар, ойна пластик қувурлар, яхна ичимликлар ишлаб чиқарилмоқдаки, халқимизнинг бунга эҳтиёжи анча юқори.



Ривожланиш — рақобатда. Буни инобатга олиб, саноат корхоналаридаги технологияни янгилашга эътиборни оширдик. Хусусан, «Бухоротекс» ҳиссадорлик жамиятида бултур Россия, Швейцария, Чехия, Германиядан келтирилган янги асбоб-ускуналар ўрнатилиши натижасида унинг маҳсулотига харидорлар кўпайди. Ёки «Бухороавтойўл» ҳиссадорлик жамиятини олайлик. Бу корхона ўзига чет эл инвестицияларини жалб қилган ҳолда 2 миллион 200 минг АҚШ долларига тенг бўлган гранит маҳсулоти ишлаб чиқарадиган цехни ишга туширди. Ўзбекистон — Ҳиндистон ҳамкорлигидаги «Гуджи — Авицина» қўшма корхонаси бултур 25 миллион сўмлик дори-дармонларни ишлаб чиқарди. Бу ноёб дори-дармонлар хилини кўпайтириш устида иш олиб борилмоқда.

Мамлакатимиз буюк имкониятларга бой, фақат улардан фойдаланишимиз керак. Буни биргина шаҳримиз мисолида кўраяпмиз. Саноат корхоналари фаолиятини янада яхшилаш эвазига биз маҳсулот ишлаб чиқаришни 8-10 фоизга оширамиз. Аҳоли учун турар жойлар қуриш, хизмат кўрсатиш ҳажми ва маданиятини ошириш имкониятлари кенг. Бундан ташқари, туризмни ривожлантиришга ҳам эътибор бераяпмиз. Зеро, олам эътироф этган шаҳарда инсон манфаатларига хизмат қилувчи омиллар кўп бўлишини даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Маълумки, бу йил мамлакатимизда улуғ бобокалонимиз Имом ал-Бухорийнинг 1225 йиллиги кенг нишонланади. Бухорийнинг юрти бўлган шаҳримизда юбилейга ҳозирлик қизғин давом этмоқда. Шаҳардаги боғда Имом ал-Бухорийнинг рамзий мақбараси барпо этиляпти. Ўйлаймизки, бу ер ҳам сайёҳлар қадамжосига айланади. Бобокалонимиз ҳаёти, бизга қолдирган буюк меросидан ҳикоя қилувчи музей ишга тушгач, ёш авлоднинг маънавиятини бойитишда хизмат қилишига шубҳа йўқ.

Зардўзлар совға ҳозирлашмоқда

«Зардўз» ҳиссадорлик жамияти жамоаси Имом Исмоил ал-Бухорийнинг 1225 йиллигига муносиб тўёна ҳозирлашяпти. Иқтидорли ёш мусаввир Ихтиёр Ҳакимов муаллифлигидаги баландлиги 10 метр, эни 16 метрли зарпарда тикилмоқда.

Бу қимматли ва жозибадор зарпарда тикиб бўлингач, улуғ бобомиз юбилейи ўтказиладиган муҳташам Ибн Сино маданият саройи саҳнасига илинади. Зардўзлар зарқатимга улуғ аллома номини битяптилар.

Маҳсулот тури 42 тага етди

Бухоро шаҳридаги «Совға» зардўзлик марказида тикилаётган харидоргир маҳсулотлар тури 42 тага етди. «Гултувак», «Қўштовус», «Бухороий Шариф» сингари паннолар ўзига хос жиҳати билан шаҳарга келаётган меҳмонларга манзур бўлаётир.

— Айни пайтда зардўзликнинг йўқолиб кетиш арафасида турган турларини қайта тиклаш устида иш олиб боряпмиз, - деди марказ раҳбари М. Жумаева. - Шунинг баробарида марказ олдида зардўзлик мактабини ҳам очамиз. Ёшларга бу санъат турининг мураккаб ва нозик томонларини пухта ўргатиш ниятидамиз.

Корхона ҳиммати

«Когон ёг» ҳиссадорлик жамияти вилоятнинг энг тўнғич корхоналаридан бири. Корхона бир асрлик фаолияти давомида халқ дастурхонини тўкин-сочин қилишга муносиб ҳисса қўшиб келяпти. Шу йиллар давомида ишлаб чиқариш қуввати ва технологик жараёни деярли юз фоизга такомиллашди десак муболаға бўлмайди.

Бултур корхона истеъмолчиларга 17575 тонна пахта мойи, 15025 тонна истеъмол мойи, 35037 тонна шелуха, 43569 тонна шрот, 902 тонна совун етказиб берди. Бунга асосан ўсиш суръатларининг ошиши эвазига эришиляпти. Яқинда бу ерда қадоқлаш цехи ишга тушса, самарадорлик янада ошади.

— Биз фойдани қизғанмаймиз, - дейди жамият раиси Неъмат Шарипов. - Ҳозир Когондаги болалар уйи, «Меҳрибонлик» боғчалари, 3-мактабни оталиққа олганмиз. Шунингдек, учта маҳаллани, вилоят футболини қўллаб-қувватлашга ҳам ўз ҳиссамизни қўшяпмиз.

Жорий йилда 15331 тонна тозаланган мой, 44806 тонна шрот, 34688 тонна шелуха, 1075 тонна совун ишлаб чиқаришни мўлжаллаган корхона жамоасининг ҳиммати дан ҳамма мамнун.

Аср мўъжизаси



Бухородан бир неча чақирим - Қоровулбозор шаҳри томон юрсангиз, кўзингиз дастлаб равон йўл атрофидаги навниҳолларга, иҳотазор барпо этаётган кишиларга, сўнг салобат тўкиб турган - 300 гектар майдонни эгаллаган улкан корхона, унинг тенгсиз миноралариga тушади, ҳайрат босади сизни.

Корхона қурилишини молиявий жиҳатдан таъминлаш ҳамда бунёд этиш жараёнида Франция, Япония, Америка, Туркиянинг кўпгина жаҳонга машҳур банклари, компания ва фирмалари фаол иштирок этгани юртимизда бўлган тинчлик ва барқарорлик шарофати меваси эмасми?

— Бугун биз олдимизга янада мураккаброқ вазифани қўйганмиз. Нефть ва газ қазиб чиқариш ҳажмини оширишга эришибгина қолмай, балки уларни тўла қайта ишлашни таъминлаш, иқтисодиётимизнинг турли-туман, юқори сифатли нефть ва газни қайта ишлаш ва бу маҳсулотларга бўлган эҳтиёжни қондириш вазифасини қўйганмиз, - деган эди ўшанда юртбошимиз Ислом Каримов. - Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи айнан мана шу вазифани ҳал этишда муҳим ўрин эгаллаши лозим. У лойиҳа қувватида ишлай бошлаганидан сўнг Қашқадарё ва Бухоро вилоятларидаги конларда ҳар йили қазиб олинаётган газ конденсатини қайта ишлаш имкони пайдо бўлади.

Дарҳақиқат, шундай. Корхона ишга тушгандан буён аниқ маромда ишлаяпти. Бу ерда меҳнат қилаётганлар корхонанинг лойиҳа қувватига эришиши учун куч-ғайрат сарфлаяптилар. Шу боис ўтган ойлар мобайнида маҳсулот ишлаб чиқаришда сезиларли силжишлар кузатилди. Истеъмолчиларга эса кўп миқдорда бензин, авиакеросин, дизель ёнилғиси, мазут ва суюлтирилган газ етказиб берилди.

Жайронлар

— Бухоро азалдан жайронлар, оҳу-кийиклар макони бўлган, — дейди биз билан суҳбатда «Жайрон» экологик маркази директори Ғулом Жумаев. — Бундан йигирма йил бурун жайронларнинг жуда камайиб бораётганлиги ҳаммани ташвишга солди. Шунда вилоят раҳбарлари мазкур марказни ташкил этиш, унда жайронлар устида илмий ишлар олиб бориш ҳамда уларни кўпайтириш мақсадга мувофиқ деб топишди.

Ҳа, ўшанда Қоровулбозорда ястаниб ётган чўллар назарда тутилган бўлса ажаб эмас. Боиси бу ерда жайронлар учун ҳам иқлим, ҳам озуқа — борингки, ҳаммаҳамма шароит муҳайё эди.

— Дастлаб бу ерга 36 бош жайрон келтирилганди, — дейди директор ўринбосари Азиз Қосимов. — 5145 гектар майдон ихтиёримизда. Уни 41 километрли сим тўсиқлар, Аму — Бухоро машина канали, темир йўллар ўраб туради. Хуллас, биз бугун олдимизга қўйилган мақсадга эришдик десак бўлади.

Хўш, Азиз ака бу билан нима демоқчи бўлди? Аввало, мустақиллик даврида жайронларни кўпайтириш нияти амалга ошган бўлса, иккинчи томондан уларни она-табиат қўйнига қўйворишдек савобли иш қилинди. Ҳозир жайронлар яйрайдиган чўл ҳажми 27 минг гектар бўлса, унда қарийб 400 га яқин жайрон мавжуд. 1996 — 1997 йиллар даврида Қоракўр ва Қоровулбозор табиати қўйнига еттита жайрон чиқарилгани, улар сонининг янада кўпайишини таъминлаётир.

Марказ ҳудудида эса 700 бошга яқин жайрон бор. Шундан, қўлда боқилаётгани устида Франциянинг «Шизе» фирмаси илмий ходимлари билан ҳамкорликда кузатув ишлари олиб бориляпти.

Бундан ташқари, марказдаги жайронларни озуқа билан таъминлашда «Когондон» ҳиссадорлик жамияти (раиси З.Шукуров) жамоаси амалий ёрдам бермоқда. Чунки, жайронни кепак билан эмас, балки, сифатли дон қолдиғи билан боқиш керак-да. Бунга ҳамманинг қурби етавермайди.

Ҳа, ҳали қилинадиган ишлар кўлами кенг. Улар одамлардан чўчимайдиган, инсонлар эса уларга ёвузлик қилмайдиган кунлар келиши аниқ. Ахир, табиат яратган ҳар бир гиёҳ, жонзот, тоғу-тош мўъжиза-ку! Ундаги жозибани, сирни ўрганиш, борини асраб-авайлаш эса инсоннинг вазифаси эканлиги кундай равшан. Вилоят қўриқхоналарида эса буни яхши англайдиган кишилар ишлашади.

Суратда: профессионал бокс бўйича мамлакатимиз байроғини баланд кўтараётган Фурқат Турсунов.

«Кўксарой» ширмойлари

Қадимий Бухоронинг шарқида Кўксарой деган «қишлоқча» борлигини кексаларгина билишади. Шаҳарни «ёшартириш» мақсадида бу ерда кўп қаватли уйлар қурилиб, Кўксаройдан асар ҳам қолмаганидан кўпчилик ўксиниб келарди. Яқинда бу ерда бир савобли ишга қўл урилдики, Кўксарой қайта жонланди.

«Бухородон» ҳиссадорлик жамияти ташаббуси билан қурилиб, ишга туширилган новвойхона «Кўксарой» деб аталди. Германиянинг «Винклер» фирмаси асбоб-ускуналари билан жиҳозланган замонавий бу новвойхона бир кеча-кундузда Бухоро шаҳри аҳолисига 40 турдаги 3,5 тонна нон маҳсулотларини етказиб беряпти.

Бор бўлсин, садоқат

Ғиждувон туман маданият уйи қошидаги халқ драма театри жамоаси Ойла йилига бағишлаб Айниддин Зайниддиновнинг «Разолат ва садоқат» асарини саҳналаштирди. 4 парда, 7 кўринишдан иборат мазкур саҳна асарининг ғояси ҳаётимизда илдиз отиб, иқбол йўлига тўқнаш келадиган тўсиқлар - тиниқ чашмалардек соф севгига раҳна солувчи бойлик, мол-дунё деса ўзини томдан ташлайдиганлар, туҳмат, разолат қурбони бўлмаслик учун курашаётганлар ҳаётини ифода этади.

Ушбу асарни томоша қилаётган турли касб эгалари «бор бўлсин, садоқат», демоқдалар.

Мустақиллик — менинг тақдиримда

Муяссар ТЕМИРОВА — ***«Зардўз» ҳиссадорлик жамияти мусаввири, Ўзбекистон Қаҳрамони:***

— Юртимиз истиқлол туфайли жаҳонга юз тутди. Энди ҳеч кимнинг қош-қовоғига қарамаймиз, маҳсулотимиз фойдасига шериклар йўқ. Ишлаган кам бўлмайди, меҳнат ўз қадрини топади. Буни мен ўз фаолиятимда кўрдим. Мустақиллик шарофати туфайли биринчилардан бўлиб, Ўзбекистон Қаҳрамони деган шарафли унвонга сазавор бўлдим. Демак, Ватани, халқи равнақи, бахти йўлида меҳнат қилган ҳар бир киши бизда қадрлидир.

Суҳроб МАМЕДОВ — ***Бухоро Давлат университети толиби:***

— Мактабда ўқирдим, мустақиллигимизнинг илк меваси — ўзбек-турк қардошлиги тимсоли сифатида қадимий Бухорода очилган лицейда ўқишни давом эттирдим. Ушбу лицей ҳаётимнинг бурилиш нуқтаси бўлди: ўқиш давомида фанлар билан бирга турк, инглиз тилларини эгалладим. Компьютер бўйича мутахассис ҳам бўлдим.

Лицейни тугатиб, ҳозир Бухоро Давлат университетининг физика-математика факультети амалий математика ва информатика бўлими иккинчи курсида таълим оляпман. Ўзбекистоннинг буюк келажагини барпо қилиш йўлида иқтидорли ёшларнинг фан-техникаси тараққий қилган мамлакатларда ўқишни амалга ошириши учун «Умид» жамғармаси ташкил этилди. Мен ҳам катта умид билан омадимни синаб кўрдим. Бу йилги «Умид» танловига университетимиздан 25 киши қатнашди. Беш босқичдан иборат тест синовларидан ёлғиз мен ўтдим ва АҚШдаги Калифорния университетларидан бирида ўқиш ҳуқуқига эга бўлдим.

Ёқуб ФАТТОЕВ — ***Пешку туманидаги «Фаттоев» фермер хўжалиги бошлиғи:***

— Мустақилликдан илгариги вақтда ортиқча молингиз, бойлигингиздан ҳадиксираб юрардингиз. Агар камбағал бўлсангиз-чи? Ерга ишлаган билан умумий қозонда борига кўнардингиз. Истиқлол туфайли қишлоқ аҳлининг ҳам кўкрагига шамол тегди. Ҳозир кўпчилик фермерлар, ҳамма ўзига тинч, қозон ҳам мой, чўмич ҳам. Биз бултур давлатга 7,2 тонна гўшт, 62 тонна сут, 22 тонна буғдой сотдик.

Оиламизда 42 жон бор. Улардан 15 нафари фермер хўжалиги юмуши билан банд. Фаолиятимизни янада яхшилаш учун ҳаракат қиляпмиз. Хўжаликни қандай қилиб кенгайтириш омилларини излаяпмиз. Бунда хориж тажрибаси қўл келса ажабмас. Шу боис яқинда Америкага бораман. У ердан тажриба ўрганиб қайтсам, давлатга сотадиган маҳсулот кўлами анча ортишига кўзим етади. Ҳа, истиқлолдан айланай, дегим келади.

Кўш саҳифа материалларини Юсуф БЕКМУРОДОВ, Даврон БАҲРОНОВ тайёрлашди
Суратларни Ҳайдар Қурбонов олган.
Нашрга — Хоразм вилоятига.

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1998 yil 16 iyul, payshanba № 84 (22.321).

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan

Меҳмоннинг эътирофи

Шу йилнинг 25-27 сентябрь кунлари Дэвис кубоги учун курашнинг навбатдаги босқичи Австралияда ўтказилиб, Ўзбекистон теннисчилари ўз мавқеларини оширишга ҳаракат қиладилар. Ҳар иккала мамлакат ўртасидаги ана шу учрашув муносабати билан юртимизга меҳмон бўлиб келган австралиялик спорт арбоби Доинг Кингтсон теннисчиларимизнинг Жанубий Кореяда эришган ютуғини алоҳида таъкидлаб, Ўзбекистонда кичик тўп ошуфталари тобора кўпайиб бораётгани, теннисснинг моддий техника базасини мустаҳкамлаш йўлида катта ишлар қилиниб, жаҳон андозаларига мос иншоотлар барпо этилганини эътироф этди. Ҳа, иқтидорли теннисчимиз Ирода Тўлаганованинг нуфузли Уимблдон турнирида фахрли иккинчи ўрин олиб, ўз таснифига қўшимча 120 очко ёзгани ҳам бундай эътирофнинг ўзига хос тасдиғидир.

«Олтин тўп» соҳиби

Анъанага кўра жаҳон футбол чемпионатидан кейин «Олтин тўп» соҳиби аниқланди. Бу сафар футбол анжуманида илк марта қатнашишга қарамай, мутахассису мухлисларни лол қолдириб, ўзига хос шов-шув кўтарган хорватларнинг Давор Шукери ана шундай соврин соҳиби бўлди. Чемпионатда учинчи ўринни эгаллаган хорватлар жамоасининг бу ўйинчиси дарвозани олти марта ишғол этиб, моҳир тўпурар бўлиб қолди.

«Юлдузлар» жамоаси

Ҳар сафаргидек жаҳон чемпионатининг рамзий терма жамоаси таркиби тузилди. Дарвозада: Фабьен Бартез (Франция), Хосе Луес Чилаверт (Парагвай). Ҳимояда: Марсель Десайи (Франция), Роберто Карлос (Бразилия), Франк де Бур (Голландия), Лилиан Тюрам (Франция), Карлос Гамарра (Парагвай). Ярим ҳимояда: Эдгар Давидс (Голландия), Дунга, Ривалдо (Бразилия), Зинедин Зидан (Франция), Микаэль Лаудруп (Дания). Ҳужумда: Денис Бергкамп (Голландия), Роналдо (Бразилия), Брайн Лаудруп (Дания), Давор Шукер (Хорватия). Қизиғи шундаки, янги чемпионнинг юзага келиши билан жаҳон кубогини эгаллаш бўйича Оврупо — Америка тенглашди. Яъни, Англия ва Франция бир мартадан чемпион бўлишган бўлса, Германия, Италия уч мартадан ана шундай номга сазовор бўлишган. Шунингдек, Бразилия тўрт марта, Уругвай билан Аргентина икки мартадан олтин кубокни қўлга киритганлар.

Ўсмирлар ва «катталар» ўйинлари

Москвада биринчи Бутунжаҳон ўсмирлар ўйинлари давом этмоқда. Унда республикамиз вакиллари ҳам иштирок этишаётир. Мусобақаларнинг ўтган уч куни давомида ҳамюртларимиз битта бронза, бир кумуш медалини қўлга киритишди. Ёш спортчиларимиз совринли ўринлар учун курашни давом эттирмоқдалар...

Россия матбуотига назар ташласангиз, ўсмирлар ўйинлари атрофида турли хил сиёсий ўйинлар, гапсўзлар кетаётганлигини сезиш мумкин. Маълумки, мазкур ўйинлар Москва шаҳри мэри Юрий Лужков ташаббуси билан уюштирилди. Мусобақанинг тантанали ўтиши учун мэр қатиқ жонкуярлик кўрсатмоқда. Ҳатто у матбуот конференциясида бу ўйинлар анъанавий тус олиши, унга олимпия мақоми берилиши учун курашаётгани, шунингдек, Москва ҳукумати навбатдаги ёзги Олимпия ўйинларидан бирини Россия пойтахтида ўтказилишини сўраб, Халқаро Олимпия қўмитасига расмий мурожаат этганлигини маълум қилди. Агар ХОҚ бунга розилик берса, Москвага тахминан 2012 йилда навбат келади. Унгача худо пошшо... Кўп нарса ўзгариб кетиши табиий, жумладан, мэрлар ҳам, президент ҳам. Лекин бундай ташаббуслар билан чиқиш ҳозир Лужков учун жуда зарурга ўхшайди. Россиянинг айрим нашрлари ёзишича, Ўсмирлар Бутунжаҳон ўйинига Олимпия мақоми олинишига эришилса, Юрий Лужков ўзининг президентликка бўлажак сайлов олдидан сиёсий мавқеини анча мустаҳкамлаб олади. Россия матбуотига кўз югуртирсак, қуйидаги саволлар хаёлга келади: ўсмирлар ўйинини ўтказишдан асосий мақсад нима? Ўсмирлар спорт ҳаракатини ривожлантиришга ҳисса қўшишми ёки Москва шаҳрига дунё эътиборини тортишми? Ёки бўлмаса бўлажак Президент сайлови олдидан ўз сиёсий обрўсини оширишми?

Буларнинг ҳеч бири эҳтимолдан холи эмас. Ҳар ҳолда айримлар тахмин қилаётганидек сиёсий саҳнадаги ўйинлар спорт майдонларига кўчаётган кўринади.

«Московская правда» газетаси гарчи Ельцин Президент сифатида ўйинларни очиқ деб эълон қилган бўлса-да, Лужков ёнида худди меҳмондек бўлиб турибди, деб ёзади. Ҳақиқатан ҳам ўйинларнинг очилиш маросимида Лужковнинг овози Ельциннинг омма ўрганиб қолган дадил овозидан ҳам баландроқ чиқди. У ўз нутқини фақат Москва эмас, балки бутун Россия эшитишини жуда хоҳлаган шекилли, одатдагидан анча юқори ва ишончли оҳангда сўзлади.

«Независимая газета»нинг ёзишича, худди бир йил илгари Москва шаҳрининг 850 йиллиги юбилейини ўтказиш пайтидагидек бу гал ҳам Лужков бўлажак сайлов олдидан сиёсий очко йиғишда айбланмоқда. Ўз навбатида Лужков эса Президент Ельцинга норозилик билдирди. Унинг фикрича, ўсмирлар ўйинлари Россиянинг етакчи телеканалларида етарли ёритилмаётир, асосий эътибор ўйинларнинг ижобий жиҳатларига эмас, балки камчиликларига қаратилмоқда.

Спорт майдонларида ҳалол кураш олиб бораётган ўсмирларга эса бу «катта ўйинлар»нинг қизиғи йўқ. Спорт — бу спорт, сиёсат эса ўз йўлига. Аммо спорт сиёсатдан унча йироқ эмас... Спорт сиёсат ёнига бормаслиги аниқ, аммо сиёсат спорт ёнига келиши мумкин.

Остон ЙЎЛЧИЕВ

Тарих — мунаввар кўзгу

(Давоми. Боши 1- бетда)

тилмоқда. — Ж.С.) бир-бирига қарама-қарши бўлган гуруҳлардан бирининг саркардаси. Мамай Чингизхон авлодига мансуб бўлмаганлиги учун уни ҳокимиятни зўрлик билан эгаллашда айблашган. Дмитрий Донской Мамайга жиноятчи ва тахтни ноқонуний эгаллаган кимса сифатида ҳужум бошлайди. (Кўриниб турибдики, Д. Донскойда Русь давлатини мўғуллар зулмидан озод қилиш мақсади бўлмаган). Маълумки, Куликово жангидан сўнг ҳам руслар яна 100 йил мўғул-татарларга хирож тўлашган. Ушбу фактлардан кўриниб турибдики, то Амир Темур Тўхтамишхонни мағлуб қилгунга қадар Русь давлатида мўғуллар истибдоди сақланиб қолаверган.

Ҳар бир халқнинг тарихи ўзига азиз. Аммо ёлғон ва сохталиклар аралашган тарих пуфакка ўхшайди. Ҳақиқат тиғи тегиши билан ели чиқиб, пуч нарсага айланади қолади.

Миллат ўзини танимоғи учун энг мунаввар кўзгу — тарихдир. Бироқ юртимиз тарихини тўғри англаш, ўзбек тарих илмида шаклланган ҳаққоний мезонлар асосида фикр юритиш, энг муҳими ўзгалар таъсирига берилмаслик айрим тарихчи-олимларимиз учун ҳам қийин кечаётганга ўхшайди. Четдан кириб келаётган айрим қутқуларга учибми ёки тафаккурдаги маҳдудлик туфайлими айрим олимларимиз бир пайтлар ўтмишимизни Россия тарихига тегишли мезонлар билан ўлчаган бўлишса, эндиликда ёзаётган мақолаларда, гарчанд тадқиқотлари дунёвий мазмунга эга бўлса-да икки гапнинг бирида, мавриди бўлса-бўлмаса диний ва араблар тарихига хос қарашларни ва атамаларни қўллашни касб қилмоқдалар. Боз устига, бу тоифа ўзларининг илмдан йироқ, асоссиз даъволарини ноёб илмий кашфиёт сифатида тақдим этишга уринишмоқдаки — бу ниҳоятда ташвишли ҳолдир. Тарих ўлчовларини маълум бир даврда урф бўлган қарашлар билан ўзгартирилишига асло йўл қўйиб бўлмайди. Ушбу фикр асоссиз бўлиб қолмаслиги учун бир мисол келтириш лозим. Айрим олимлар юртимизни араблар босиб олгунга қадар тарихини «жоҳилият даври» деб атай бошладилар. Тарих фанлари номзоди Н. Йўлдошев Бухоро шаҳар газетасида Бухоронинг ўн икки дарвозаси ҳақидаги мақоласида айнан араблар босқинига қадар тарихимизни «жоҳилият даври» сифатида «тадқиқ» қилади. Бу атама, биринчидан, халқимиз тарихи даврларини белгилашда ҳеч қачон қўлланилмаган ва жуда тўғри қилинган. Иккинчидан, бу атама араблар тарихига мансубки (араблар исломгача бўлган ўтмишларини жоҳилият даври деб аташади), уни кўр-кўрона ўзбек халқи тарихига олиб кириш — бошқа халқлар тарихидан нусха кўчириш, унга манқуртларча сиғиниш эмасми? Ахир бизнинг ўз тарихимиз ва унинг ўз атамалари мавжуд-ку. Араблар босқинига қадар ҳам юртимизда юксак даражада тараққий этган давлатлар, илм-фан, маданият, иқтисод мавжуд бўлганки, буни араб олиму сайёҳлари ҳам тан олишган. Худди шу боис еттинчи асргача бўлган тарихимизни «жоҳилият даври» деб аташ ўз аждодларимизга нисбатан адолатсизлик эмасми?

Ёшларимиз Ватан ва миллат тарихини биладими, ундан нечоғлик хабардор, деган катта саволни — болаларимиз ўзлари туғилиб, ўсаётган шаҳар, қишлоқ, маҳалла тарихини билармикан, кимдир уларни киндик қони томган гўша ўтмишини билишга даъват қиляптими, деган сўровдан бошлаш айни муддао бўлур эди. Чунки юртимизнинг ҳар бир парчаси улуғ тарихимизнинг бир бўлагидир. Оддий мақбара ёки тепалик бағрида минг-минг йиллик тарихимиз жо бўлганлиги аён ҳақиқат. Шу боисдан ҳам шаҳар ва қишлоқлар археологик ва санъат ёдгорликлари, этнографик ва топономик материаллар тарихини ўрганишда ўлкашунослик музейларнинг аҳамияти ниҳоятда катта. Афсуски, маҳаллий ҳокимият раҳбарининг эътиборсизлиги туфайли ана шундай таъсирчан тарбия масканлари мавқеи пасайиб кетмоқда.

Тарих одамзотнинг муаллимидир, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари. Ўтмиш воқеалари инсонга ғурур, маънавий куч-қудрат бағишлаш билан бирга сабоқ ҳам беради. Энг муҳими эса, деб ўз фикрларини давом эттирдилар юртбошимиз — биз ўтказаётган улуғ аждодларимиз тавалуди билан боғлиқ анжуманлар халқларни бирлаштиришга хизмат қилмоқда. Ўзбек халқи тарихи — бунёдкорликдан иборат эканлигини дунёга намойиш қилмоқда.

Қамровнинг кенглиги буюклик белгисидир. Ўзбек халқи тарихининг қамров ва миқёслари шунчалик кенг ва улуғворки — у ҳар биримизга фахр ва ғурур, юксак маънавият, туганмас сабоқ беради. Ифтихор туйғуси эса қуруқ кеккайишни эмас, чуқур билим ва маърифатни талаб қиладики, биз тенгсиз тарихий меросимизга чин эгалик қилиш учун аввало уни ўқиб-ўрганишимиз ва англашимиз даркор.

Донишмандлардан бири «Тараққиётнинг чинакам белгиси — бойлик ёки ҳосилнинг мўлкўллиги ҳам эмас, балки шу ўлка бағрида тарбия топган инсон қиёфасидир», деган эди. Бу ўринда инсоннинг маънавий қиёфаси, ақлий салоҳияти назарда тутилгани аниқ. Халқимизнинг тарихий қиёфаси эса улуғвор маданият, инсоният тараққиётини белгилаган юксак илм-фан, яратувчилик ва бунёдкорлик, юрт учун фидойилик сингари мангу қадриятларда мужассамдир. Миллатимиз табиати ва менталитетига хос ана шундай кудратли қадриятларни бугунги кунимиз ҳақиқатига айлантириш ҳар биримиз учун ҳам фарз, ҳам қарз.

Жалолиддин САФОЕВ

Дастёр

Шавкат АКРОМОВ олган сурат

Шарққа ҳавас

1348 йилда ташкил этилган Прага университетида то XVI асрга қадар ўрта аср даврининг буюк олими Абу Али ибн Синонинг «Тиб қонунлари» китоби дарслик сифатида ўқитиб келинди. Бу бебаҳо асарнинг лотинча уч нусхаси 1489, 1490 ва 1498 йилларда нашр этилган бўлиб , бугунги кунда эски Брно шаҳридаги Августинчилар кутубхонасида сақланмоқда.

Умуман, Чехия кутубхоналарининг ноёб китоблар жамғармаларида олим ва шоирларимизнинг асарлари талайгина...

1560 йили Прагадаги бир нашрда таъкидланишича, «араблар ва ажамликлар орасидан» Абу Машар ибн Сино каби забардаст олимлар етишиб чиққанки,улар махфий ва тилсимли фанларни ўрганиш билан машғул бўлган».

... Рубоий, умуман Европада кўп аср мобайнида маълум бўлмаган. Биринчи марта Европа тилларидан инглиз тилига Умар Ҳайём рубоийларини инглиз-ирланд шоири Э. Фицжеральд ўгирди. Кейинчалик мазкур тил орқали француз, немис ва бошқа тилларга таржима қилинди.

1862 йилда француз таржимони Никола Умар Ҳайём рубоийларини Наполеоннинг буйруғига биноан, ўз тилига ўгирди.Француз шарқшуносларининг айтишича, у таржима учун асос қилиб олган қўлёзмалардаги 464 рубоийнинг 100 дан кўпроғи бошқа қўлёзмаларда ҳам мавжуд бўлгани учун эгаси йўқ рубоийлар, деб ҳисобланган.

Солидная компания для солидных клиентов

Международный автоматический роуминг - возможность использовать свой мобильный телефон во всех странах, где существует стандарт GSM, и оплачивать свои счета по месту подключения в местной валюте

Ташкент, 700031, ул. В.Вахидова, 118
Отдел продаж:
Тел.(371) 1803500, 1803501, 1803554, 1803555
(371) 1526688 (3712)562338
Факс 1526671

Абонентская служба Тел./Факс 560211
Тел.(371) 1800088, 1800888, 1808888
Самарканд, 703001, ул.Комарова, 4
Тел.(3662) 356138, 312126

Мамлакатимиздаги энг йирик, аъло сифатли қаттиқ ёқилғи ишлаб чиқарувчи

«КЎМИР» АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ

Ангрендаги каолин — кўмир конидан кўмирни қазиб олиш жараёнида дастлабки каолинни қайта ишлаб майдаланган каолин ва кварц қумларини ишлаб чиқаради

ИККИЛАМЧИ МАЙДАЛАНГАН, БОЙИТИЛМАГАН

КАОЛИН

«Кўмир» акционерлик жамияти амалда чекланмаган миқдордаги каолин хом ашёси заҳираларига эга бўлиб, улар республикадаги ягона Ангрен каолин-кўмир конларидан қидириб топилган. Йил давомида «Ангрен» конидан кўмир қазиб олиш вақтида 5 миллион тонна каолин ажратиб олинади. Бугунги кунга келиб бу маҳсулот кўп мақсадларда ишлатишга мўлжалланган минерал хом ашё ҳисобланади. Ангрен каолинлари ҳозирда ўнга яқин соҳаларда ишлатишда муҳим хом ашё ҳисобланади. Айниқса, минерал таркибининг физик-кимёвий хусусиятлари бойитилмаган ҳолда ҳам ишлаб чиқариб ишлатишга имкон беради.

КВАРЦ ҚУМЛАРИ

0, 04-2,5мм ҳажмдаги дона-дона бўлган бу хом ашё бино ва иншоотларнинг турли устки элементи сифатида ташқи ва ички томонларини таъмирлашда ишлатиш мумкин. У шунингдек, қурилиш керамикаси, цемент ва асфальтбетон тайёрлаш учун ҳам яроқлидир.

«Кўмир» акционерлик жамияти майдаланган каолин ва кварц қумларини Ўзбекистон Республикасидаги барча корхоналарига ҳамда хориж мамлакатларига келишилган шартнома асосида

СОТАДИ.

Мижозлар иккиламчи каолин ва кварц қумларини турли тармоқлар ишлаб чиқаришида ишлатишнинг мақсадлари хусусида тўлиқ маълумотларни олишни хоҳласалар, қуйидаги манзилга мурожаат этишлари мумкин:

Ўзбекистон республикаси, Тошкент шаҳри, 700011, Марказ-14, 27-уй.

Телефонлар: (3712) 144-55-79, 144-57-05, факс: (3712) 41-85-56, 144-20-80.

«Кўмир» акционерлик жамияти юртимиздаги ҳамма қизиқувчи корхона, фирма раҳбарларини ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишга

ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Юсуф БЕКМУРОДОВ,
навбатчи Соҳибжон САЛИМОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004
Газета офсет усулида, А—2 форматида, 19.963 нусхада босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳririят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 0156

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 22.20
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА